

**ASSESSMENT AND FORECASTING OF THE IMPACT OF CLIMATE CHANGE ON THE LANDSCAPES OF THE  
FERGANA REGION**

**ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ЛАНДШАФТЛАРИГА ТАЪСИРИНИ  
БАҲОЛАШ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ**

О.М.Кўзибоева –география фанлари доктори, профессор Кўкон давлат педагогика институти

Махкамов Жамшид Кўкон давлат педагогика институти тадқиқотчиси

O.M.Kuzibaeva -Doctor of Geography, Professor at the Kokand State Pedagogical Institute

Makhkamov Jamshid doctorate in Kokand State Pedagogical Institute

**Аннотация**

Иқлим ўзгариши оқибатида ландшафт комплексларини ўзгариши оқибатида қишлоқ хўжалик махсулотларига таъсири, ландшафт комплексларидаги хар бир компонентга таъсири, тупроқ деградатцияси, ерларни ўйраниши, ер ости сув сатҳини кўтарилиши ва охир оқибат қишлоқ хўжалик махсулотларини сифати ва сонига таъсири этиши ёритилган.

**Таянч сўзлар:** Иқлим ўзгариши, дегредатция, ўйраниш, эрозия, меёрий харорат

**Аннотация**

Освещается влияние изменения климата на сельскохозяйственную продукцию, вызванное изменением ландшафтных комплексов, влияние на каждый компонент ландшафтных комплексов, деградацию почвы, засоление земель, повышение уровня грунтовых вод и, в конечном итоге, влияние на качество и количество сельскохозяйственной продукции.

**Ключевые слова:** изменение климата, деградация, соленость, эрозия, критическая температура

**Annotation**

The impact on agricultural products as a result of the change in landscape complexes as a result of climate change, the impact on a stream component in landscape complexes, soil degradation, land salinity, groundwater level rise and, ultimately, the impact on the quality and number of agricultural products are covered.

**Keywords:** climate change, degradation, salinity, erosion, critical temperature

**Кириш** Бугунги кунда табиий география фанлари олдида турган муаммоларнинг кўпчилиги унинг ўрганиш обьекти ва предметининг

муракаблиги, уни тадқиқ қилишнинг ўзига хослиги, ландшафтшунослик ва табиий география фани қишлоқ хўжалиги ва ахоли истемол саватчани тўлдириш ва қондириш, турмуш тарзини яхшилаш учун хизмат қиласи. Лекин, ахоли табиий ландшафтларни ўзлаштириш жараёнида ундан оқилона фойдалана оляптими? Ёки ландшафтларни ўзлаштиришда уларни барқарорлиги сақланиб қолганми? Деган саволлар бутун инсоният олдида турган энг муҳим муаммолардан бири саналади. Бугунги кунда юз бераётган иқлим ўзгариши ҳам ўздан-ӯзи юзага келгани йўқ. Уни юзага келишида ҳам 2 хил сенарий кўриб чиқилаётган бўлса, 2-чиси бу албатта инсон омили эканлигини кўришимиз мумкин. Бугунги кунда иқлим ўзгариши ландшафт компонентлари ва комплекслариги ўз таъсирини кўрсатиб ўлгурди. Масалан: унумдор тупроқ қатламини деградатцияланишига, ер ости ва ер усти сув захиралари миқдори ва сифатига, ёғин миқдори ва ҳарорат қўрсатгичларига, био-хилмакилликка ўз салбий натижасини кўрсатиб келмоқда. Шундай экан инсониятнинг бугунги кундаги асосий вазифаси ландшафт компонентларини ўзлаштиришда эҳтиёткорона бўлишиш ва улардан самарали фойдаланишини талаб этади.

Республикамизда иқлим ўзгариши барча ландшафт компонентларига ўз таъсир қучини кўрсатиб бормоқда. Хар бир худуднинг иқлим ўзгариши ўртacha ҳарорат меёрий кўрсатгичларидан ортиб кетиши ёки кескин совиши( анамал), ёғин миқдорини ортиши ёки жуда ҳам камайиб кетиши, шамоллар кучи, тезлиги ва тақрорланиб туриши, тупроқ унумдорлиги кўрсатгичларига, тупроқ шўрланиш ҳолатига, ер ости ва ер усти сувларига , умумлаштириб айтадиган бўлсак Ер ландшафт қобигининг барча компонент ва комплексларига ўз таъсир қучини кўрсатиб бормоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар тахлили** Ландшафт комплексларини тадқиқ этиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича Республикамиз бир қанча олимларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Ш.Зокировнинг, “Кичик худудлар табиий географияси”, “Ландшафтшунослик”, Ю.Султоновнинг

“Ландшафтшунослик асослари”, А.Абдулқосимов ва бошқалар томонидан яратилган “Зарафшон ботиғи воҳа ландшафтлари ва геоэкологияси” номли монографияларини таҳлил қиласак барчаси ландшафтшуносликни ривожланиши, ландшафтлардан оқилона фойдаланиш ва уларни геоэкологик холатини сақлаш каби масалалар ёритилганлигини кўришимиз мумкин.

Республикамиз иқлимий шароитига кўра географик ўрнига мослиги, яъни океан ва денгизлардан узокдалиги, ёғинга нисбатан потенциал буғланишнинг юқорилиги, иқлимининг кескин континенталлиги билан характерланади. Бу эса бугунги кундаги иқлим ўзгариши юз беришида ўз аксини кўрсатиб келмоқда.

**Тадқиқот методологияси :**Ҳозирги кунда иқлим ўзгариши шароитини юмшатиш Яшил иқтисодиётга ўтишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Иқлим ўзгариши оқибатини юмшатиш ва унга мослашиш учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришга ўз таъсирини кўрсатиб бораётганлиги сабабли уларни сальбий таъсири юмшатиш мақсадида керакли бўлган чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда. Жуда кўп тадқиқотчиларнинг фикрига кўра иқлим ўзгариши натижасида табиий оғатлар : жаҳон мамлакатларининг баъзиларида сув тошиши, ўрмон ёнгинлари, қурғоқчилик, экин майдонларининг дегредатцияланиши, ҳароратнинг меёрий кўрсатгичидан ортиши ёки совуши оқибатида табиий талофатлар 5-6 % ўсиб бормоқда Бунинг натижасида ҳозирги кунда аҳоли сонини ортиб бораётган бир вақтда, аҳолини озиқ овқат га бўлган талабини ҳам қондириш инновацион ёндашувни талаб этади. Буниг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиш ва уларни аҳоли истемол босқичигача бўлган талабини қондириш ва экспортга йўналтиришни талаб этади.

Бу борада Президентимизнинг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853- сонли “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги

фармони қишлоқ хўжалик махсулотларини ва озиқ овқат саноатини ривожлатнириш учун асос бўлади.

**Хулоса ва таклифлар:** Статистик маълумотларни таҳлил қилишимизда ҳозирги кунда озиқ-оқват махсулотлари интенсиқ ёндашув ва интенсив ҳосил олишга қаратилганлиги сабабли истемол бозорида аста секин ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Лекин бу кўрсатгич бир неча йилдан кейин ўзини оқлолмай қолиши мумкин. Баъзи бир тадқиқотчиларнинг фикрига кўра Сўх конуссимон ёйилмасида 50 йиллардан ўтиб озиқ –овқат хавфсизлиги кучайиб бориши башорат қилинмоқда. Бу асосан чучук сув етитишмаслиги билан юз бериши мумкин. Сабаби Жанубий Фарғонада жойлашган тоғ музликларини эриши билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ю.Султонов Ландшафтлар географияси Т.Ўқитувчи, 1974 88 б
- 2.М.М.Бабаджонова Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва донли экинлар таҳлили “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali 2/2022, mart-aprel (№ 00058)
3. O Qo'ziboyeva, B Meliev, S Do'sbekov Farg'ona vodiysi janubiy-g'arbiy qismidagi o'simliklar dinamik (fenologik) o'zgarishining landshaft indikatsion tahlili - Samarqand davlat universiteti ilmiy ..., 2021
4. O Kuziboyeva Landscape-Land reclamations approach in the study of con<sup>^</sup> al landscape complexes - The American Journal of Applied Sciences, 2020
5. O Qo'ziboyeva, Z Sherbayeva Janubiy farg 'ona daryolarining suv rejimiga iqlim o 'zgarishining ta'siri - Farg'ona davlat universiteti, 2024
6. QOZIBOYEVA Ozodxon, U ISAKOVA Landshaftlar dinamikasi va rivojlanishni tadqiq etishning ilmiy-amaliy masalalari - UzMU xabarlari, 2024